

XX аср бошларида Туркистон маданий хаётида муҳим бир воқеа юз берди. Алишер Навоий “Хамса”си таркибига кирган беш дostonдан тўрттасининг насрий баёнлари яратилди ва улар “Насри Хамсайи беназир” номи билан китоб холида литографияда нашр этилиб, халқ орасида тарқалди.

Бу улкан ва шарафли иш Мир Махдум ибн Шохюнус томонидан амалга оширилган эди. У “Хамса”даги “Садди Искандарий”, “Сабъаи сайёр”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларини нисбатан содда ва раvon тилда насрийлаштирди ва ўзининг бу иши билан Навоий ижодини оmmалаштиришга, халқимизни буюк шоирнинг адабий меросига яқинлаштиришга катта хисса қўшди.

Афсуски, Мир Махдумнинг бу меҳнати хозирга қадар ўзининг муносиб баҳосини олган эмас. Навоий асарларининг насрий баёнлари ҳақида сўз кетганда, адабиётшунослар, асосан, Умар Бокий баёнларига тўхталдилар. “Насри Хамсайи беназир” ҳақида бир нечта жумлаларда маълумот бериш билан чекланиб, уни тадқиқот доирасига тортмайдилар. Бунда ҳам муаллиф номи нотўғри қўрсатилади, яъни Мир Махдум ибн Шохюнус, деб берилади. Биз ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган, 1908 йилда Гулом Хасан Орифжонов литографиясида чоп этилган “Насри Хамсайи беназир” нусхаси билан танишганимизда муаллифнинг исми “Мир Махдум” эмас, “Мир Махдум” эканлиги маълум бўлди. Нашрнинг титул варағида қуйидаги сўзлар бор: “Жаноби шоири фасих ул-лисон Мир Алишернинг “Хамса” манзумаларидан наср тартибида дурфишонлик айлаб Мир Махдум ибн Шохюнус эҳтимоми бирлан”.

Бу сўзлар Мир Махдумнинг фақат насрий баён муаллифи бўлиб қолмасдан, айна пайтда, унинг ношири эканлигидан ҳам далолат беради. Зеро, инқилобгача бўлган нашрларда учрайдиган “фалончи эҳтимоми билан” деган жумла нашр қимнинг саъй-харакати ва маблағи ҳисобига амалга оширилганини билдириш учун ёзилади.

Муқаддимада Мир Махдум Навоий ижодини юксак баҳолайди, унинг шеърятини “дилқаш”, “жондин азиз, шакардин лазиз”, дея таърифлайди: “Баъд аз ҳамди худойи жаҳон ва дуруди номаъдуди расули инсу жон бу камина ходими аҳли жаҳон ва нодими жаҳлу исён ўтган азизлар арвоҳи таййибларидан истионат ва ёру биродар химматларидан ионат тилаб гўстохлик қилиб, китоби “Хамса”и амир Навоий раҳимуллохнинг бўстонларини сайр қилиб ва очилгон ранго-ранг гулларидин териб, назм гирехини ешиб, наср риштасига тиздим. Чунки “Хамса”и Навоийнинг ҳар бир назмлари жондин азиз ва шакардин лазиз, дилқашлиги аҳли дониш ва аҳли маонийга равшан ва хувайдодур”.

Сўнгра у ана шу гўзал шеърятдан баҳра оладиган кишиларнинг озлиги, аҳолининг катта қисми мумтоз шеърятни тушунишга ожизлиги ҳақида мулоҳаза юритиб, ўз мақсадини баён қилади: “Аммо аҳли дониш ва расола қиссайи маъжуб ва хикояти марғублардин баҳраманддурлар. Аммо ушбу замоннинг аксар одамлари саводхон фақат бўлуб, назмнинг фаҳмидин ожиз ва бебаҳрадурлар. Шу жихатдан авомуннос ҳам баҳра олурмукин деб қосирона наср тариқида бақадри тоқат баён қилдим”.

Мир Махдум ўз насрий баёнида Навоий дostonларидан иккитасининг номини ўзгартириб беради ва “Садди Искандарий”ни “Искандарнома”, “Сабъаи сайёр”ни “Баҳроми ҳафт манзар қиссаси”, деб атади.

Шунингдек, у дostonларнинг жойлаштирилиш тартибини ҳам ўзгартирган. “Насри Хамсайи беназир”да аввал “Садди Искандарий”, кейин “Сабъаи сайёр” ва “Лайли ва

Мажнун”, охирида “Фарход ва Ширин” дostonлари жойлаштирилган. Бу иш Мир Махдум томонидан онгли равишда маълум бир максад билан килинган ва “Насри Хамсайи беназир”да бу ҳақдаги кайдлар мавжуд. Дostonлардан иккитаси, яъни “Садди Искандарий” ва “Сабъаи сайёр”нинг насрий баёнлари тугагандан сўнг муаллиф кичик бир чекиниш килади ва ўқувчиларнинг диққатини бу асарлардаги адолат, эзгулик гоёларига каратади, айниқса, ижтимоий адолат масаласига ургу беради. Бундан маълум бўладики, Мир Махдум “Хамса”даги ижтимоий мазмунни биринчи ўринга кўяди ва насрий баёнда дostonларни ўзининг ана шу карашларига мувофиқ жойлаштиради. Албатта, ижтимоий мазмун ва гоёлар “Хамса”нинг барча дostonларида бор. Лекин “Садди Искандарий”да бу гоё Искандар образи, унда мужассамлашган одил шох, маърифатли ҳукмдор сиймоси оркали жуда яққол ифодаланган. Шу сабабли “Насри Хамсайи беназир”да “Садди Искандарий”нинг насрий баёни биринчи килиб берилган. “Насри Хамсайи беназир”нинг кимматли жихати шундаки, Мир Махдум Навоий дostonларини ниҳоятда билимдонлик билан, уларнинг энг нозик, теран маъноларини ҳам илғаб олган ҳолда насрийлаштирган. Масалан, “Лайли ва Мажнун”даги куйидаги парчани кўплаб олимлар, хатто Навоий ижодининг энг билимдон тадқиқотчилари ҳам нотўғри талкин қилганлар:

Сўз дарсини улки берди таълим,
Бу навъ этти фасона таксим.

Ким Кайсга илм учун мурағиб,
Хар чу тилаттилар муаддиб.

Топилди хунарвар устоде,
Одам ичра малак ниҳоде.

Лек асру хай ичра эрди побаст,
Дарс ичра топиб каломи пайваст.

Ул турфа кабилада сарафроз,
Хар ишда хайлига навосоз.

Шахсе эди бас азим шони,
Рифъатда сипехрдин нишони.

Кахр этса дами самум янглиг,
Хоро илгида мум янглиг.

.....

Кўркмай гами дахрдин табохи,
Ул элга ихотаи панохи.

Юкоридаги парчада мактаб домласи билан Лайлининг отасининг таърифи берилган ва ўртада нозик чегара бор. Парчадаги:

Лек асру хай ичра эрди побаст,
Дарс ичра тотиб каломи пайваст —

байтигача домла таърифи берилган бўлса,

Ул турфа кабилада сарафроз,
Хар ишда хайлига навосоз —

байтидан бошлаб то охиригача Лайлининг отаси хакида сўз боради. Ана шу икки шахс таърифидаги нозик чегарани тадқиқотчилар илғаб ололмаганлар. Хатто Бертельсдек улуг олим ҳам юкоридаги парчани нотўғри тушунган ва унинг талкинида Лайли мактаб домласининг кизига айланиб колган. Умар Бокийни ҳам худди шу парча чалгитган ва у ҳам ўз насрий баёнида Лайлини мактабда дарс берувчи домланинг кизи сифатида тасвирлайди: “Бу аснода ул олимнинг Лайли номлиг бир кизи бор эрур ва хусну малохатда беназир эрди”.

“Насри Хамсайи беназир”да бундай хатони кўрмаймиз. Мир Махдум мазкур парчанинг тўғри талкинини беради ва аник-равшан килиб, “Лайлининг отасиким хай кабиласининг подшохи эрди”, деб ёзади.

Кўринадики, “Насри Хамсайи беназир” факат Навоий дostonларининг насрий баёни сифатидагина эмас, балки ўзига хос талкини, уларни тўғри тушуниш ва англаб етишда ёрдам берувчи ўзига хос манба сифатида ҳам ахамиятга эгадир.

“Хамса” дostonларини насрийлаштирар экан, Мир Махдум бунда турлича йўл туттади: айрим ўринларда тўлик насрийлаштириш, бошқа ўринларда кискартириб ёки умумлаштириб насрийлаштириш усулларида фойдаланади. Буни “Садди Искандарий” дostonининг насрий баёни мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Маълумки, ушбу дoston хажм жихатидан “Хамса”даги энг катта дoston хисобланади ва у 89 бобдан иборат. Дostonнинг Мир Махдум томонидан амалга оширилган насрий баёни эса 11 бобни ташкил этади. Бундай холни бошқа дostonларнинг насрий баёнларида ҳам кўраимиз. Дostonлардаги бир катор бобларнинг мазмуни кискартириб баён килингани сабабли, бу дostonларнинг насрий баёнларининг тузилиши оригиналдан фарк килади. Лекин шундай бўлса-да, Мир Махдум Навоий дostonларининг асосий сюжет линиясини саклашга ва мумкин қадар уларнинг мазмунига путур етказмасликка ҳаракат килган.

Маълумки, бирон-бир дostonни насрийлаштиришни ният килган муаллиф олдида турадиган асосий вазифалардан бири аслиятнинг бадий мазмунини ҳам иложи борича саклаш ва ўқувчига етказиб беришдир. Мир Махдум буни яхши англаган ва бизнинг кузатишларимиз, у маълум маънода бу ишнинг уддасидан чиккан, деб айтишга асос беради.

Кодиржон Эргаш